

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.05/30.12.2019.Qx.13.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ

НОРҚУЛОВ АЛИДДИН НОМОЗ ЎҒЛИ

**ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИНИНГ ДАЛМИ ШАРОИТИДА НЎХАТ
БИОЦЕНОЗИДАГИ ЗАРАКУНАНДАЛАР СОНИНИ БОШҚАРИШ
УСУЛЛАРИ**

06.01.09 – Ўсимликларни химоя қилиш

**КИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по сельскохозяйственным наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on agricultural sciences**

Норқулов Алиддин Номоз ўғли

Жиззах вилоятининг лалми шаройтида нўхат биоценозидаги зараркундалар сонини бошқариш усуллари 3

Норқулов Алиддин Номоз ўғли

Методы управления численностью вредителей в биоценозе гороха в богарных условиях Джизакской области 19

Norqulov Aliddin Nomoz o'g'li

Methods of managing the number of pests in pea bisenosis in dry land conditions of Jizzakh region..... 38

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 38

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.05/30.12.2019.Qx.13.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ

НОРҚУЛОВ АЛИДДИН НОМОЗ ЎҒЛИ

**ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИНИНГ ЛАЛМИ ШАРОИТИДА НЎХАТ
БИОЦЕНОЗИДАГИ ЗАРАРКУНАНДАЛАР СОНИНИ БОШҚАРИШ
УСУЛЛАРИ**

06.01.09 – Ўсимликларни химоя қилиш

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2020

Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.4.PhD/Qx584 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат аграр университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tdau.uz) ва «Ziyounet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: **Кимсанбоев Хўжамурод Хамракулович**
биология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: **Торениязов Елмурат Шериниязович**
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор

Маматов Камол Шавқиевич
биология фанлари номзоди, катта илмий ходим

Етакчи ташкилот: **Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялари институти**

Диссертация химояси Тошкент давлат аграр университети ҳузуридаги DSe.05/30.12.2019.Qx.13.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил « 7 » 7 соат 10⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100140, Тошкент, Университет кўчаси, 2-уй. Тел.: (+99871) 260-48-00; факс: (+99871) 260-38-60; e-mail: tuag-info@edu.uz; Тошкент давлат аграр университети Маъмурий биноси, 1-қават, анжуманлар зали).

Диссертация билан Тошкент давлат аграр университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (542125-рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100140, Тошкент, Университет кўчаси, 2-уй, Тошкент давлат аграр университети, Ахборот-ресурс маркази биноси. Тел.: (+99871) 260-50-43).

Диссертация автореферати 2020 йил «24» декабрь куни таркатилди.
(2020 йил «26» ноябрь даги 09.1-рақамли реестр баённомаси)



Б.А.Сулаймонов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси, б.ф.д., академик

Я.Х.Юлдашов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, к/х.ф.н., профессор

Э.Т.Бердиев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси, к/х.ф.д.,
профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунё озиқ-овқат ва саноат маҳсулоти сифатида дуккакли экинлар дунёнинг 100 дан ортиқ мамлакатларида етиштирилиб, дунё аҳолисининг озиқ-овқатга бўлган талабини маълум даражада қондирмоқда. Бугунги кунда нўхатни зарарли организмлар таъсирида 50-60% ҳосили нобуд бўлишига олиб келмоқда. Ушбу нобудгарчиликни олдини олиш мақсадида дунё зироатчилигида турли усул ва воситалар қўлланилиб, нўхат етиштириш сарф-харажатларининг ортишига олиб келмоқда¹.

Дунёда дон-дуккакли экинлар етиштирувчи давлатларда зараркунандалар миқдорини бошқариш мақсадида қатор илмий тадқиқотлар олиб борилиб, амалиётга ижобий натижалар жорий этилган, жумладан, Ҳиндистон, Хитой, Корея, Россия Эрон, Исроил ва бошқа бир қатор мамлакатларда дон-дуккакли экинларни етиштиришда зараркунанда ва касалликлар туфайли 18-22% гача ҳосил йўқотилиши кузатилади. Аммо қатор илмий-тадқиқот муассасаларида олиб борилган тадқиқот натижаларига кўра, янги усул ва воситалар ишлаб чиқилиб ҳосилдорлик 85-90% гача саклаб қолишга эришилган. Дунё тадқиқотчиларининг фикрига кўра, нўхат экинида энг хавфли зараркунанда турлари сифатида *Aphididae*, *Lateridae*, *Noctuidae*, *Torticidae*, *Chrysomelidae*, *Gryllotalpidae*, *Meloidogynidae* оила вакилларига кирувчи турлар қайд этилган. Шу сабабли ушбу йўналишда қатор тадқиқотлар олиб бориш ва нўхат зараркунандаларига қарши уйғунлашган химоя тизимини ишлаб чиқиш муҳим аҳамиятга эга.

Республикамизда нўхат етиштиришда зараркунандалардан химоя қилиш тизимини такомиллаштириш асосида экин ҳосилини тўлиқ саклаб қолиш ўта муҳимдир. Кейинги вақтларда дуккакли экинлар экиладиган майдонларда бир қатор зараркунандалар катта зарар келтириб, ҳосилдорликнинг ўртача 35-40% қисмини нобуд қилмоқда. Республикамиз бўйича 2019 йилда жами 29165 гектар, 2020 йилда эса 32650 гектар лалми майдонларга нўхат экилди. Кейинги вақтларда нўхат ўсимлигини етиштириш даврида зараркунанда ва касалликларни зарарли таъсирида умумий ҳосилнинг ўртача 15-20% гача қисми йўқотилиши кузатилмоқда. Бугунги кунда мамлакатимизда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, жаҳон бозорида ўз ўрнига эга маҳсулотлар етиштириш ва экспорт салоҳиятини ошириш муҳим аҳамият касб этади. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясида «...ўсимликларни касаллик ва зараркунандалардан химоя қилиш чораларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш» бўйича устувор йўналишда вазифалар белгиланган. Шунга кўра, нўхат етиштиришда уни зараркунандалардан химоя қилишнинг уйғунлашган кураш тизимини ишлаб чиқиш ва ишлаб чиқариш амалиётида кенг жорий этиш долзарб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 мартдаги ПҚ-

¹ <http://www.fao.org>

2832-сон “2017-2021 йилларда республикада соя экишни кўпайтириш ва соя дуккакли экинларини ўстиришни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” ги қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 1 июндаги ПҚ-3027-сон “2017 йида бошқоқли дон экинларидан бўшайдиган майдонларга такрорий экинларни жойлаштириш, экиш учун талаб этиладиган моддий-техника ресурсларини ўз муддатида етказиб бериш чора тадбирлари тўғрисида” ги қарорлари шунингдек, сабзаёт, лалми ерларда мойли, дуккакли дон экинлари ва бошқа озиқ-овқат экинлар экиладиган ерларни янада кўпайтириш режалаштирилган. Юқорида келтирилган қарорлар ижросини таъминлаш юзасидан ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Жахонда нўхатнинг зараркунандалари турларининг биоэкологик хусусиятлари, зарарлилик даражаси ва қарши кураш чоралари бўйича хорижий олимларидан; Ҳиндистонда Sumeet Verma, Anjay Kumar Gupta, Nupur Mittal, Лондонда Weisser Wolfgang W., Braendle Christian, Minoretti Nicole, Австралияда P.Michael, D.Hardie, P.Mangano, Хитойда Тан Чан Куанг, Россияда Н.Б.Спирина, О.И.Петруха каби олимлар томонидан тадқиқотлар олиб борилган. Нўхат экинидан экологик тоза ва юқори сифатли ҳосил олиш учун уларни зарарлаб ҳосилни камайтирувчи зараркунандаларга қарши истикболли кураш усулларини ишлаб чиқиш бугунги кунда муҳим аҳамият касб этади. Нўхат биоценозида мавжуд зараркунандаларга қарши кураш чоралари муаммоларини ҳал қилиш йўналишида бир мунча илмий тадқиқот ишлари олиб борилган. Бу зараркунандалар ер юзида нўхат кўп экиладиган худудлар айниқса АҚШ, Ҳиндистон, Хитой, Япония, Корея, Россия, Украина ва бошқа давлатларда жиддий зарар етказди. Улар асосан полифаг (хаммахўр) ҳашарот бўлиб 20 дан ортиқ тури нўхат биоценозида зарар келтириши бўйича кўпгина олимлар кўрсатиб ўтишган. Республикамизда дуккакли дон экинлари зараркунандаларини тур таркиби, биоэкологик хусусиятларини ўрганиш ва қарши кураш чоралари юзасидан В.Н.Полевшикова., Н.М.Махмудхўжаев., А.Т.Холлиевлар тадқиқотлар олиб борганлар.

Бироқ, Республикамизнинг лалми шароитида нўхат биоценозидаги зараркунандаларнинг тур таркиби, биоэкологик хусусиятлари ва зарарини бартараф этишнинг илмий асосланган усуллари етарлича ўрганилмаган. Шуларни ҳисобга олган ҳолда лалми шароитда нўхатнинг асосий зараркунандаларига қарши истикболли ҳимоя тизимини яратиш муҳим аҳамиятга эга.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Мазкур диссертация тадқиқоти Тошкент давлат аграр университетининг илмий ишлари режасига киритилган бўлиб, ВА-КХА-9-004 «Сабзавот экинлар агробиоценозида зараркунандалар сонини бошқаришда уйғунлашган ҳимоя қилиш тизимини ишлаб чиқиш» (2017-2019 йй.) мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Жиззах вилоятининг лалми майдонларида нўхат зараркунандаларининг тур таркиби, биоэкологик хусусиятлари, тарқалиши, табиий кушандалари, зарарлилик даражасини аниқлаш асосида уларни миқдорини бошқариш усулларини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари куйидагилардан иборат:

Жиззах вилоятининг лалми майдонларида нўхат экинида учрайдиган зараркунандаларининг тур таркиби, биологик ва экологик хусусиятларини аниқлаш;

лалми нўхат биоценозида асосий зараркунандаларнинг тарқалиши ва зарарлилик даражаларини белгилаш;

лалми нўхатнинг табиий кушандаларининг тур таркиби, энтомофаунасининг шаклланиши, энтомофагларни қўллаш нисбатини аниқлаш;

лалми нўхат экинида зараркунандаларига қарши агротехник тадбирларнинг зараркунандалар миқдорини бошқаришдаги аҳамиятини баҳолаш;

лалми нўхат биоценозида зараркунандаларнинг табиий кушандаларини самарали турларини қўллаш асосида зараркунандалар миқдорини бошқаришда самарадорлигини аниқлаш;

лалми нўхатдаги зараркунандалар миқдорини бошқаришда самарали инсектицидларни қўллашнинг муддат ва меъёрларини белгилаш;

лалми шароитда нўхат экини зараркунандаларига қарши кураш чораларининг хўжалик ва иқтисодий самарадорлигини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Жиззах вилоятининг лалми майдонларида нўхат экини, навлари, зараркунандалари, энтомофаг турлари, ўсимликларни ҳимоя қилиш воситалари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети нўхатни парваришлаш агротехнологияси, зараркунандаларининг ривожланиш хусусиятлари, энтомофагларининг биологияси, кўпайтириш ва қўллаш усуллари, агротехник, биологик ҳамда кимёвий усуллари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Лалми нўхат ўсимлигида учрайдиган зараркунандалар ва уларнинг тур таркибини аниқлаш, тарқалиши, зарарлилигини ҳисоблаш ҳамда намуналар йиғиш ва энтомофагларнинг самарадорлигини аниқлашда И.Я.Поляков, К.Е.Воронин, Г.М.Ярославцев, С.Г.Боинская, В.Ф.Палий, Б.П.Адашкевич, Э.С.Шийко, Г.С.Посыпанов, В.И.Танский, Г.Я.Бей-Биенко, С.М.Вольков ва Л.М.Копанева услублари асосида; нўхатни зараркунандаларининг биоэкологик хусусиятларини ўрганишда К.К.Фасулати, А.Н.Кожчанов услубларидан; зараркунандалар

зичлиги ва агротоксикологик тадқиқотлар Ш.Т.Хўжаев, В.Ф.Пересыпкин, Т.И.Сухорученко ва б. услубларидан; қўлланилган воситаларнинг биологик, хўжалик ва иктисодий самарадорликлари W.S.Abbott, К.А.Гар услубларида ҳисоблаб чиқарилди, олинган натижалар Б.А.Доспехов тавсия қилган услублар асосида MS EXCEL компьютер дастури ёрдамида математик-статистик таҳлил қилинди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Жиззах вилоятининг лалми шароитида нўхат агобиоценозида 1 та синф 5 та туркумга оид 27 тур зараркунандалари аниқланган;

лалми нўхат биоценозида асосий зараркунандаларнинг биоэкологик хусусиятлари, популяциясининг шаклланиши аниқланган ва иктисодий зарарлилик миқдор мезони ишлаб чиқилган;

нўхат зараркунандаларининг табиий энтомофаглари тур таркиби ва зараркунандаларга нисбатан биологик самарадорлиги аниқланган;

лалми нўхат экинида зараркунандалар миқдорини бошқаришда агротехник тадбирлар ва уруғдориллагич воситалар ҳамда инсектицидларни қўллаш муддати ва меъёрлари танланган;

лалми нўхат биоценозида зараркунандаларга қарши кимёвий воситаларнинг биологик, хўжалик ва иктисодий самарадорлиги аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

лалми нўхат зараркунандалари тур таркиби, биоэкологик хусусиятлари, зарарлилик даражаси, хўжайин-энтомофаг муносабатларининг шаклланиши, энтомофаг турлари ва уларни қўллаш усуллари, самарали биологик ва кимёвий воситалар зараркунандалар миқдорини бошқаришда қўлланилган ва ишлаб чиқаришга тавсия этилган;

лалми нўхат экини зараркунандалари миқдорини бошқаришда агротехник тадбирларнинг ўрни ва самарадорлиги, улар миқдорини бошқариш бўйича уйғунлашган кураш тадбирлари бўйича тадқиқотлар ўтказилган, самарали усул ва воситалар танланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги лаборатория ва дала тажрибаларида қабул қилинган услублар асосида ўтказилганлиги, яъни услубий жиҳатдан тўғрилиги, назарий ва амалий натижаларнинг бир-бирига мос келиши, тадқиқот натижаларининг хорижий ва маҳаллий тажрибалар билан солиштирилганлиги, аниқланган қонуниятлар ҳамда хулосаларга асосланганлиги, илмий-тадқиқот чуқур математик-статистик таҳлил қилинганлиги, тадқиқотлар натижалари Республика ва халқаро миқёсидаги илмий-амалий конференцияларда муҳокама қилинганлиги, диссертация натижалари Олий аттестация комиссияси томонидан эътироф этилган илмий нашрларда чоп этилганлиги ва натижалар амалиётга жорий этилганлиги билан исботланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Жиззах вилоятининг лалми майдонларида нўхат биоценозида зараркунандаларнинг турлари, биологик ва экологик хусусиятлари, зарар келтириш даражаси ва уларга қарши кураш чораларидан иборат.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти лалми ерларда етиштириладиган нўхатнинг зараркунандаларига қарши курашда биологик ва кимёвий препаратларни қўллаш орқали ҳосилни сақлаб қолиш ҳамда аҳолини экологик соф озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашда ифодаланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Лалми нўхатнинг асосий зараркунандалари ва уларнинг миқдорини бошқариш бўйича ўтказилган тадқиқотларнинг натижалари асосида:

нўхатнинг зараркунандаларига қарши жумладан, илдиз кемирувчи тунламлар, туганак узунбурунлар, қарсилдоқ қўнғизлар, қора қўнғизларга қарши уруғларини экишдан олдин уруғдориллагич препаратлар Далучо 70% н.к.к. (5 кг/т) ва Круизер Экстра 362 сус.к. (3 л/т) дорилаб экиш Жиззах вилоятининг Фориш, Галлаорол туманларидаги 180 гектар майдонга жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2020 йил 17 июлдаги 02/011-2176-сон маълумотномаси). Натижада ҳосилдорлик 25-30% га оширилган ва иктисодий самарадорлик гектаридан қўшимча 1,7-2,2 млн. сўмни ташкил этган;

Жиззах вилоятининг Фориш, Галлаорол туманларидаги лалми нўхат экилган майдонларда асосий зараркунандаларидан кузги тунлам, қарсилдоқ қўнғизлар ва қора қўнғизларга қарши Децис 10% эм.к. (0,1 л/га), Плигрим 24,7% сус.к. (0,3 л/га), Децис 2,5% эм.к. (0,7 л/га), Энджео 24,7% сус.к. (0,3 л/га) препаратлари қўлланилганда 84,3-93,7% гача биологик самарадорликка эришилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2020 йил 17 июлдаги 02/011-2176-сон маълумотномаси). Натижада химоя учун сарфланган ҳар 1 сўм эвазига 7,6-4,6 сўмлик маҳсулот олишга эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 6 та, жумладан 2 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 11 та илмий иш, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, жумладан, 4 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, олти та боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 117 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида олиб борилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурияти илмий асосланган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари ҳамда объекти ва предметлари тавсифланган, Ўзбекистон Республикаси фан ва технология тараққиётининг уствор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари, амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «Лалми ерларда нўхатни зараркундалардан химоя қилишнинг ахволи ва истиқболлари (адабиётлар шархи)» деб номланган биринчи бобида мавзу бўйича маҳаллий ва хорижий илмий манбалар, интернет маълумотлари, дунёдаги етакчи олимларнинг илмий ишлари натижалари ўрганилиб, лалми шароитда нўхат ўсимлигининг зараркундаларини тарқалганлиги, тур таркиби, биологик хусусиятлари ҳамда қарши кураш чораларини долзарблиги таҳлили келтирилган.

Диссертациянинг «Тадқиқот ҳудудининг агроиклимий тавсифи, тадқиқот материаллари ва услублари» деб номланган иккинчи бобида тадқиқот ўтказилган жой, материал ва усуллар бўйича маълумотлар берилган.

Лалми шароитда нўхат экинida учрайдиган зараркундалар ва энтомофагларнинг тур таркибини аниқлаш, тарқалиши ва зарарини ҳисоблаш ва намуналар йиғишда К.Е.Воронин, Г.М.Ярославцев, С.Г.Боинская, В.Ф.Палий, Б.П.Адашкевич, Э.С.Шийко, Г.С.Посыпанов, Г.Я.Бей-Биенко, С.М.Вольков, Л.М.Копанева услубларидан; лалми шароитда нўхатнинг асосий зараркундаларининг биоэкологик хусусиятларини ўрганишда ва уларни зичлигини аниқлашда К.К.Фасуллати, А.Н.Кожчанов, биологик самарадорлик Абботт, Ш.Т.Хўжаев услубларидан фойдаланилди. Тадқиқот натижалари туфайли олинган маълумотларга статистик ишлов бериш дисперсион таҳлил қилиш Б.А.Доспехов усулида олиб борилган.

Диссертациянинг «Лалми нўхат зараркундаларининг биологик ва экологик хусусиятлари ҳамда тарқалиши» деб номланган учинчи бобида Жиззах вилоятининг лалми ҳудудларида нўхатнинг асосий ер устки қисмини зарарлайдиган зараркундалардан жами 16 тури қайд этилиб ушбу зараркундалар; нўхат мевахўри (*Laspeyresia nigricana*), гўза тунлами (*Heliothis armigera* Hb.), беда қандаласи (*Adelphocoris lineolatus* Goes.), дала қандаласи (*Lygus pratensis* L.), туганак узунбурунлар (*Sitona*) дан майса узунбурун кўнғизи – *Setona cylindricollis* Fahr., дағал тукли узунбурун кўнғизи – *Setona crinitus* Hbst., ва ола була нўхат узунбурун кўнғизи – *Sitona lineellus* Bansd., ширалардан – нўхат шираси (*Acyrtosiphon pisum* Koch.), беда шираси (*Aphis craccivora* Koch.) каби зараркундаларни ўрганиш бўйича илмий тадқиқот натижалари келтирилган. Тадқиқотларда учраган зараркундалардан асосийлари нўхат шираси, ғовак ҳосил қилувчи нўхат пашшаси, гўза тунлами, тўрт доғли донхўр, нўхат мевахўри, марокаш чигирткаси, яшил темирчак эканлиги баён этилган. Ушбу зараркундалар нўхатни турли хил фазаларида зарарлаб экинни нобуд бўлишига ва ҳосилдорликни кескин камайиб кетишига олиб келади (1-жадвал).

Лалми шароитда нўхатнинг тупроқ ости зараркундаларининг тур таркибини, биологик ва экологик хусусиятларини ўрганиш бўйича олиб борилган тадқиқотларда, нўхат биоценозида тупроқ ости зараркундалардан *Lepidoptera* туркумига мансуб кузги тунлам (*Agrotis segetum* Den.et Schiff), ундов тунлами (*A.exclamationis* L.), ёввойи тунлам (*Agrotis conspicua* Hb.), *Coleoptera* туркумига мансуб туркистон чертмакчиси (*Agrotis meticulosus* Cond), мўйловдор кўнғизсимон чертмакчи (*Clon cerambycinus* Sem.), чўл секин юрар кўнғизи (*Blaps halophila* F.W.), бурундор қора кўнғиз (*Dailognatha*

nasute Men.), март бузоқ боши (*Melonotha afflicta* Ball.), зарарли бузоқ боши (*Polyphilla adspersa* Motsch), Май бузоқ боши (*Melonotha melonotha* M.), *Orthoptera* туркуми, *Gryllotalpidae* оиласига мансуб зараркунандалардан куйрукли бузоқ боши (*Gryllotalpa gryllotalpa* L.) каби зараркунандалар учраб сезиларли даражада зарар етказаётганлиги кузатилди. Учраган зараркунандалар ичида кузги тунлам ва туркистон чертмакчиси энг кўп учраб доминантлик қилган.

1-жадвал

Лалми ерларда нўхатнинг ўсув даврида зарарлайдиган зараркунанда турлари (Жиззах вилояти, 2018-2020 йй.)

№	Тур номи	Турнинг латинча номи	Нўхат
1.	Дагал тукли узунбурун кўнғизи	<i>Setona crinitus</i> Hbst.	+
2.	Майса узунбурун кўнғизи	<i>Setona cylindricollis</i> Fahr.	++
3.	Ола була нўхат узунбурун кўнғизи	<i>Sitona lineellus</i> Bansd.	++
4.	Дала сусткаши	<i>Opatrum sabulasum</i> L.	++
5.	Ловия донхўри	<i>Acanthoscelides altectus</i> Sag.	++
6.	Нўхат донхўр кўнғизи	<i>Bruchus pisorum</i> L.	++
7.	Тўртдогли донхўр	<i>Callosebruchus maculatus</i> Z.	+++
8.	Нўхат шираси	<i>Acyrtosiphon onobrychis</i> Fonse.	+++
9.	Дуккакдилар шираси	<i>Aphis fabae</i> S.	++
10.	Акация шираси	<i>Aphis medicaginis craccivora</i> Koch.	+
11.	Говак ҳосил қилувчи нўхат пашшаси	<i>Liriomyza cicerina</i> Rond.	+++
12.	Иссиқхона оққаноти	<i>Trialeurodes vaporariorum</i> Westw.	++
13.	Ғўза тунлами	<i>Heliothis armigera</i> Hb.	+++
14.	Марокаш чигирткаси	<i>Docios taurus maroccanus</i> Thumb.	+++
15.	Яшил темирчак	<i>Tettigonia viridissima</i> L.	+++
16.	Нўхат мевахўри	<i>Laspeyresia nigricana</i> F.	+++

Шартли белгилар: + – кам учрайди, ++ – ўртача даражада учрайди, +++ – энг кўп учрайди.

Нўхатнинг асосий тупроқ ости зараркунандалари кузги тунлам ва туркистон чертмакчи эрта баҳорда ўсимликни ёш ниҳоллигида зарарлаши оқибатида кўчатлар сони кескин камайиб кетишига ва ёш ниҳоллигида нобуд бўлишига сабаб бўлишига олиб келади.

Суғорилмайдиган ерларда нўхатнинг тупроқ ости зараркунандаларини тур таркибини таҳлил қилиш мақсадида олиб борилган тадқиқот натижаларига кўра 1 та синф 4 та туркум вакиллариининг 11 турдаги тупроқ ости зараркунандалари аниқланди. Бу зараркунандалар лалми ерларда нўхатни турли даражада зарар етказиши кузатилган. Тупроқ ости зараркунандаларнинг зарари оқибатида ўсимлик ёш ниҳоллигида нобуд бўлишига ва натижада ҳосилдорлик кескин камайиб кетишига олиб келганлиги тадқиқотларда исботланган (2-жадвал).

Тадқиқотлар давомида тажриба даласида зараркунандаларнинг келтирадиган зарари ва улар популяцияси миқдори экиш технологияси ва кўчат қалинлигига боғлиқ эканлиги аниқланди. Ўсимликнинг экиш схемаси

ва кўчат қалинлигига қараб фитофагларнинг турли хил экологик гуруҳлари шаклланди ва уларнинг зарар келтириш даражаси ҳам ўзгарди.

2-жадвал

Лалми ерларда экилган нўхатнинг тупроқ ости зараркундаларнинг тур таркиби, учраш даражаси (Жиззах вилояти, 2018-2020 йй.)

№	Ўзбекча номи	Латинча номи	Учраш даражаси
<i>I. Синф Insecta Туркум Lepidoptera. Оила Noctuidae</i>			
1	Кузги тунлам	<i>Agrotis segetum</i> Den.et Schiff	+++
2	Ундов тунлами	<i>Agrotis exclamationis</i> . L.	++
3	Ёввойи тунлам	<i>Agrotis conspicua</i> Hb	++
<i>Туркум Coleoptera. Оила Elateridae</i>			
4	Туркистон чертмакчиси	<i>Agrotis meticulous</i> Cond	+++
5	Мўйловдор кўнгизсимон чертмакчи	<i>Cloncerambycinus</i> Sem	++
6	Чўл секин юрар кўнгизи	<i>Blaps halophila</i> F.W.	++
7	Бурундор қора кўнгиз	<i>Dailognatha nasute</i> Men.	+
<i>Оила Scarabagidae</i>			
8	Март бузоқ бошиси	<i>Melonotha afflicta</i> Ball	++
9	Зарарли бузоқ боши	<i>Polyphilla adspersa</i> Motsch	++
10	Май бузоқ боши	<i>Melonotha melonotha</i> M.	++
<i>Туркум Orthoptera Оила Gryllotalpidae</i>			
11	Куйруқли бузоқ боши	<i>Gryllotalpa gryllotalpa</i> L.	++

Изох: учраш даражаси- (+++) кўп, (++) ўртача, (+) кам.

Қатор оралари 70x10 см қилиб экилган нўхат экинларида 70x15 ва 70x20 см қилиб экилгандагига нисбатан салқин ва намликни хуш кўрувчи (мезофил) зараркундаларнинг кўп учраши кузатилди. Масалан, кузги тунлам сони қатор ораси 70x10 см бўлганда қатор ораси 70x15, 70x20 см қилиб экилгандагига нисбатан ўртача 1,6 марта кўп, намликни хуш кўрмайдиган зараркундалар эса туркистон чертмакчиси, чўл секин юрар кўнгизи кузги тунламга нисбатан 1,5-2,0 мартагача кам бўлганлиги кузатилган.

Ўсимликларнинг зарарланиш даражасини ҳисоблаганимизда эса қатор оралари 70x10 см бўлган вариантимида ўсимликларнинг кузги тунлам билан зарарланиши 9,3%, туркистон чертмакчиси 6,5%, чўл секин юрар кўнгизи 2,2% ни ташкил қилган бўлса 70x15-70x20 схемаларда экилганда эса туркистон чертмакчиси, чўл секин юрар кўнгизларининг зарари ортиб борганлиги кузатилган. Кузги тунламнинг зарари эса бу вариантларда пастроқ бўлган.

Тадқиқотлар натижаларидан хулоса қилиб айтганимизда дуккакли дон

экинларини экиш қалинлиги ва бир метр кв. майдондаги ниҳоллар сони ҳам зараркунандаларнинг шу агробиеоценоздаги миқдорига ва уларнинг ўсимликларни зарарлаш даражасига таъсир қилади (3-жадвал).

3-жадвал

Нўхат экинларини экиш схемасининг зараркунандалар сонига ва улар келтирадиган зарарига таъсири (Жиззах вилояти, Фориш тумани, 2018-2019 йй.)

Экиш схема- лари, см	Ўртача зараркунандалар сони, 1/м ²			Ўсимликларнинг зарарланиш даражаси, %		
	Кузги тунлам	Туркистон чертмакчиси	Чўл секин юрар кўнғизи	Кузги тунлам	Туркистон чертмакчиси	Чўл секин юрар кўнғизи
70x10	4,1	1,3	1,1	9,3	6,5	2,2
70x15	2,7	1,5	1,3	5,6	7,8	3,1
70x20	1,5	3,2	2,1	4,7	14,6	5,4
ЭКФ ₀₅ =				3,2	4,2	2,3

Ўсимлик қалин ўсган ёки қатор оралари 70x10 см қилиб экилган жойларда намсевар мезофил зараркунандаларнинг сони кўп бўлиши билан бирга уларнинг зарар келтириши ҳам юқори бўлди ва аксинча ксерофил зараркунандалар кам учради. Қатор оралари 70x15, 70x20 см қилиб экилган вариантимида ксерофил зараркунандаларнинг миқдори кўп бўлиб, улар келтирадиган зарар ҳам юқори бўлиши кузатилган.

Диссертациянинг «Лалми нўхат биоценозида энтомофаг-хўжайин мувозанатини шаклланиши» деб номланган тўртинчи бобида Жиззах вилоятининг лалми майдонларга экилган нўхат экинида энтомофагларни турлари ҳамда учраш даражаси татқиқ этилган. Олиб борилган тадқиқот натижасига кўра 4 та оилага мансуб 10 дан ортик турдаги энтомофагларни аниқлаш бўйича ўтказилган илмий тадқиқот натижалари келтирилган.

Учраган энтомофаглар ичида 5 тури Оддий олтинкўз – *Chrysopa carnea* Steph., Етти нуқтали хонқизи – *Coccinella septempunctata* L, Икки нуқтали хонқизи – *Adalia bipunctata* L., *Apanteles kozak* Nel., *Orius albidipennis* Reut., каби энтомофаглар кўп учраши ва зараркунандаларни сонини бошқаришда доминант эканлиги қайд этилган.

Мазкур бобда нўхат агробиеоценозида йиртқич энтомофагларнинг учраш даражаси ва зараркунандалар миқдорини бошқаришдаги ўрни, нўхат экинидаги *Acyrtosiphon pisum* га қарши олтинкўз қўллашнинг биологик самарадорлиги, нўхат агробиеоценозида паразит-хўжайин мувозанатини шаклланиши, бракон паразитини кўсак қуртига қарши биологик самарадорлиги, кузги тунлам тухумларига қарши *Trichogramma chilonis* Ishii ни қўллашнинг биологик самарадорлиги, нўхат биоценозида агротехник

тадбирларни энтомофаг-хўжайин ўзаро алоқасига таъсири тўғрисида маълумотлар келтирилган. Бундан ташқари ҳар хил миқдорда минерал ўғит берилган далаларда зараркунандалар сонининг ўзгариши ҳамда кузги ва ундов тунламларини чуқур ўрганиш билан бирга, уларнинг тухумларига қарши трихограмманинг *Trichogramma chilonis* Ishii турини қўллаш ва биологик самарадорлигини аниқлаш мақсадида тажрибалар олиб борилган. Унга кўра кузги тунлам капалаклари тухумларининг ўртача сони ҳар 100 та ўсимликда 8-9 дона эканлиги аниқланган. Трихограммалар 3-5 кун оралатиб 3 марта, яъни трихокартларда 5x5 схемада тарқатилган. Трихограмма тарқатилган ва кузатув давридаги ҳаво ҳарорати ва ҳаво нисбий намлиги ҳам аниқланиб борилган.

Тажрибалар нўхат мевахўри (*Laspeyresia nigricana*) тухумлари аниқланган майдонда ўтказилиб, тадқиқотларда трихограммани тухумларига қарши 1:5, 1:10, 1:15 нисбатларда қўлланилганда биологик самарадорлик 67,8%, 56,2 %, 45,2% бўлганлиги қайд этилди (4-жадвал).

4-жадвал


Нўхат мевахўри (*Laspeyresia nigricana*) турига қарши *Trichogramma chilonis* қўллаш самарадорлиги (Жиззах вилояти, Фориш тумани, Равшан ф/х, 2018-2019 йй.)

№	Трихограмма, нўхат мевахўрига қарши нисбати	100 туп ўсимликда тухумлар сони, дона			
		Трихограмма чиқаришдан олдин	Трихограмма чиқарилгандан сўнг, кунлар		
			7	14	21
1.	1:5	11,2±0,6	8,3±0,4	6,2±0,3	5,1±0,6
2.	1:10	10,3±0,3	9,1±0,2	7,6±0,5	6,3±0,5
3.	1:15	9,8±0,5	9,2±0,3	8,6±0,7	7,4±0,6
4.	Назорат	10,1±0,7	11,2±0,5	12,4±0,6	14,3±0,3
Биологик самарадорлик, % (кунлар бўйича)					
5.	1:5	11,2±0,6	33,1±0,8	54,8±0,2	67,8±0,6
6.	1:10	10,3±0,3	20,2±0,7	44,7±0,5	56,2±0,3
7.	1:15	9,8±0,5	15,3±0,3	28,5±0,4	45,2±0,6
	Назорат	10,1±0,7	-	-	-

Диссертациянинг «Лалми нўхат биоценозидаги зараркунандаларга қарши инсектицидларнинг таъсири» деб номланган бешинчи бобида нўхат зараркунандаларига қарши уруғ дорилагичларни аҳамияти, ўсув даврида қўлланиладиган инсектицидларни таъсири бўйича маълумотлар келтирилган. Тадқиқотлардан маълум бўлдики инсектицид уруғдорилагичларнинг ёш ниҳолларни дастлабки 25-30 кун давомида самарали химоя қилганлигини

кузатилган.

Нўхат ўсимлигида Далучо 70% н.кук. 5 кг/т сарф миқдорида қўлланилган вариантда 21-кунгача ўсимликда қарсилдоқ қўнғизлар учрамади. 28-кунга келиб эса биологик самарадорлик ҳам 97,2% ни, 35-кунга келиб самарадорлик бироз пасайиб 89,4% ни ташкил этди. Кейинги, жумладан Круизер Экстра 36,2% сус.к. уруғдорилайдиган препаратлар билан ишлов берилган вариантда кузатувларимизнинг 21-кунга қадар зараркунандаларнинг учрамаганлиги қайд этилган бўлса, 28-35 кунларда 98,6-88,4% биологик самарадорликка эришилган (1-расм).



1-расм. Нўхат экиннда қарсилдоқ қўнғизларни сонини бошқаришда уруғдорилайдиган препаратларнинг биологик самарадорлиги (Жиззах вилояти, Фориш туманининг “Абдували барака файз” фермер хўжалиги, 2018-2019).

Уруғдориллагич препаратлардан Далучо 70% н.кук. 5 кг т/га сарф меъёрида ва Круизер Экстра 36,2% сус.к. 3 л т/га сарф меъёрда нўхат экинлари уруғларини экишдан камида 20 кун олдин дориланиб экилганда 21-28 кунгача униб чиққан ниҳолларни симқуртлардан самарали химоя қилиб, бу зараркунандалар келтирадиган зарарнинг олди олинган.

Дуккакли дон экинларининг асосий зараркунандаларидан бири бўлган туганак узунбурунларга қарши самарали кураш чораларини ишлаб чиқиш мақсадида изланишлар олиб борилган тажриба натижаларига кўра назорат (уруғлар дориланмасдан экилган) вариантыда экинлар униб чиққандан сўнг ҳисобнинг 12-кунида 1,1 дона, 25-кунида 2,1 дона, 40-кунда 3,3 дона туганак узунбурунлар зарарлаётгани кузатилди, Далучо 70% н.кук., Круизер Экстра 36,2, сус.к. билан ишлов берилган вариантда 25 кунгача туганак узунбурун қўнғизлар учрамаганлиги кузатилган.

Кузги тунламнинг қуртларига қарши кимёвий воситалардан Плигрим 24,7% сус.к., Децис 2,5% эм.к. препаратларини синовдан ўтказганимизда назорат вариантыга нисбатан биологик самарадорлик 3-куни Плигрим 24,7%

сус.к., препарати 60,4% берган бўлса, 7-14 кунларда 77,1-87,4% самарадорликка эришилди. Кейинги кунларда самарадорлик бироз пасайганлиги кузатилди.

Децис 2,5% эм.к. препарати билан ишлов ўтказилган вариантда биринчи вариантга нисбатан самарадорлик бироз юқорироқ бўлиб, 3-куни 62,7%, 7-14 кунларда эса 83,4-90,7% самарадорликка эришилган.

Олинган натижалардан хулоса қилиб айтганда, илдиз кемирувчи тунламлари қуртларига қарши Плигрим 24,7% сус.к., Децис 2,5% эм.к. қўлланилса экинларни ёш ниҳоллигида тўлиқ сақлаб қолиш ва ҳосилдорликни сақлаб қолишга эришилди.

Диссертациянинг «Лалми нўхат биоценозида зараркунандаларга қарши қўлланилган пестицидларнинг хўжалик ва иқтисодий самарадорлиги» деб номланган олтинчи бобида нўхат зараркунандаларига қарши уруғдорилагич препаратларнинг аҳамияти, кишлоқ хўжалиги экинлари зараркунандаларига қарши қўлланилган препаратлар хўжалик-иқтисодий самарадорлигини аниқлаш бўйича ўтказилган илмий тадқиқот натижалари келтирилган. Препаратларнинг нархлари юқори бўлганлиги сабабли, иқтисодий жиҳатдан самарадорлиги паст бўлиши мумкин.

Тадқиқотлар 2018-2020 йиллар давомида Жиззах вилоятининг Фориш, Галлаорол, Зомин туманларининг лалми ерларида етиштирилаётган нўхат экилган майдонларда нўхатнинг тупроқ ости зараркунандаларидан ҳимоя қилиш мақсадида уруғларни экишдан олдин уруғдорилайдиган препаратлар билан экин экилишидан 15 кун олдин дорилаб экиш ва униб чиққандан кейин зараркунандаларга таъсирини ўрганиш юзасидан тадқиқотлар олиб борилди. Бунда нўхат экинида зараркунандалар сонини бошқаришда уруғдорилагич препаратларнинг биологик самарадорлиги аниқланиб юқори самара берган препаратларнинг хўжалик ва иқтисодий самарадорлиги аниқланган.

Тадқиқотлар натижасига кўра нўхатнинг асосий зараркунандаларидан қарсилдоқ кўнғизлар ва қора кўнғизларга қарши уруғдорилагич препаратлардан Круизер Экстра 36,2% сус.к. препарати қўлланилган вариантда назоратга нисбатан гектаридан 4,3 ц ҳосил сақлаб қолинган бўлса, Далучо 70% н.кук., препарати билан ишлов ўтказилган вариантда ҳосил йиғиштириб олингандан кейин ҳисоб қилинганда 3,6 ц ҳосил сақлаб қолинди.

Инсектицид уруғдорилагичларнинг хўжалик самарадорлигини ўрганиш асосида уларнинг иқтисодий самарадорлиги ҳам ҳисоблаб чиқилди. Олинган натижаларнинг кўрсатишича Круизер Экстра 36,2% сус.к. қўлланилган вариантда назоратга нисбатан иқтисодий самарадорлик 2280,0 минг сўмни ташкил этди. Нўхатни зараркунандалардан ҳимоя қилиш учун сарфланган бир сўмнинг ўзини оқлаши 7,6 мартани ташкил қилди. Кейинги вариантимиз Далучо 70% н.кук. препарати қўлланилган вариантда иқтисодий самарадорлик назоратга нисбатан 1777,0 сўмни ташкил этган бўлса сарфланган ҳар бир сўм ўзини 4,6 мартагача оқлаганлиги маълум бўлди (5-жадвал).

Нўхат экинида илдиз кемирувчи тунламларга қарши курашни хўжалик самарадорлиги бўйича олиб борилган тадқиқотда экиннинг ўсув даврида

қўлланилган кимёвий воситалардан Плигрим 24,7% сус.к., Децис 2,5% эм.к. препаратлари юкори самарадорлик кўрсатди. Назоратга нисбатан Плигрим

5-жадвал.

Лалми ерларда нўхатнинг зараркундаларига қарши уруғдориланган воситаларнинг иқтисодий самарадорлиги (Жиззах вилояти, 2019-2020 йй.)

№	Кўрсаткичлар	Вариантлар		
		Назорат	Круизер Экстра 362, сус.к.	Далучо 70% н.кук.
1.	Ҳосилдорлик, ц/га	11,0	15,3	14,6
2.	Сақлаб қолинган ҳосил, ц/га	-	4,3	3,6
3.	Бир гектарга сарфланган дори микдори, кг, л/га	-	0,15	0,25
4.	Бир гектарга сарфланган дорининг умумий нархи, минг сўм/га	-	60,0	100,0
5.	Бир гектарни химоя қилишга кетган хизмат ва трактор ҳақи, минг сўм	-	80,0	80,0
6.	Қўшимча ҳосилни йиғиб, ташишга кетган сарф, минг сўм/га	-	160,0	130,0
7.	Ўсимликларни химоя қилиш ҳамда қўшимча ҳосил йиғим-теримига кетган умумий сарф, минг сўм/га	-	300,0	383,0
8.	Ҳосилни етиштириш учун қилинган умумий сарф, минг сўм/га	1050,0	1050,0	1050,0
9.	Жами сарф, минг сўм/га	1050,0	1350,0	1433,0
10.	Бир гектардан олинган ҳосилнинг нархи, минг сўм	6600,0	9180,0	8760,0
11.	Қўшимча ҳосилнинг қиймати, минг сўм/га	-	2580,0	2160,0
12.	Шартли соф фойда йиғиндиси, минг сўм	5550,0	7830,0	7327,0
13.	Назоратга нисбатан иқтисодий самарадорлик, минг сўм/га	-	2280,0	1777,0
14.	Сарфланган бир сўм оқлапиши, марта	-	7,6	4,6
15.	Химоя усулининг фойдалилиги (рентабеллиги), %	-	760,0	463,0

24,7% сус.к. препарати қўлланилган вариантда гектаридан 2,1 ц қўшимча ҳосил сақлаб қолинди. Децис 2,5% эм.к. препарати қўлланилган вариантда эса 2,9 ц/га қўшимча ҳосил сақлаб қолинди.

ХУЛОСАЛАР

1. Лалми нўхат биоценозида зараркундаларнинг тур таркибини аниқлаш мақсадида олиб борилган тадқиқот натижаларига кўра 1 та синф, 5 та туркум вакиллари 27 турдаги зараркундалари учраши аниқланди.

2. Лалми ерларда етиштирилаётган нўхат Фориш туманида кузги тунлам билан 16,3%, Ғаллаорол туманида 24,9%, Зомин туманида эса 22,2% гача зарарланганлиги кузатилади. Бундан кўриниб турибдики кузги тунламнинг

ривожланишига ҳаво ҳарорати ва нисбий намлик муҳим аҳамиятга эга эканлиги қайд этилди.

3. Нўхат биоценозида кузги тунлам ва ундов тунламларининг иқтисодий зарарли миқдор мезони 1 м^2 да 0,9-1,1 дона, Туркистон чертмакчиси 0,6-0,8 дона, мўйловдор кўнғизсимон чертмакчида 0,7-0,9 дона учраши кузатилди.

4. Нўхат биоценозида энтомофагларни 10 турдаги паразит ва йиртқич кушандалар қайд этилди. Булардан олтинкўз, трихограмма, бракон, етти нуқтали хонқизи ва апантелес энтомофаглари энг кўп учраши ва зараркунандалар сонини бошқаришда аҳамиятли эканлиги аниқланди.

5. Трихограммани нўхат мевахўри (*Laspeyresia nigricana*) тухумларига қарши 1:5 нисбатда қўлланилганда тадқиқот натижасига кўра биологик самарадорлик 67,8% гача, ғўза тунлам (*Heliothis armigera* Hb) куртларига қарши бракон паразитини 1:5 нисбатда қўлланилганда 75,0% гача биологик самарадорлик қайд этилди.

6. Минерал ўғитларни турли меъёрларда тупроқ ости зараркунандаларига қарши қўллашнинг таъсири ўрганилганда $\text{P}_{90}\text{K}_{90}$ вариантыда туганак узунбурун кўнғизи 1 м^2 да назоратга нисбатан 2,9 донага камайган бўлса, олинган ҳосил 10,0% ни, симқуртлар ва сохта симқуртларнинг сони 1,8 донага камайиб, ҳосилдорлик 13,4% саклаб қолинганлиги аниқланди.

7. Нўхатнинг тупроқ ости зараркунандаларидан симқуртлар, кузги тунлам ва туганак узунбурунларга қарши уруғдорилагич препаратлардан Далучо 70% н.кук. (5,0 кг/т), Круизер Экстра 36,2% сус.к. (3,0 л/т) қўлланилганда ўсимликни 28-30 кунгача асраши ва 78,8-98,6% гача биологик самарадорлик қайд этилди.

8. Лалми нўхат экинида илдиз тунламлари, қарсилдоқ кўнғизлар ва қора кўнғизларга қарши Плигрим 24,7% сус.к. препарати қўлланилганда, биологик самарадорлик 3-кун – 86,5% ни, 7-кун 91,0% ни, 14 кунга келиб 95,5% ни ташкил қилган бўлса, Децис 2,5% к.э. препарати қўлланилган вариантыда самарадорлик 3 кун 90,0% ни, 7 кун 92,2% ни, 14 кунга келиб самарадорлик энг юқори бўлди яъни 96,7% ни ташкил қилди.

9. Лалми нўхатни асосий зараркунандаларидан химоя қилишда уруғларни экишдан камида 15 кун олдин уруғдорилагич препаратлардан Далучо 70% н.кук. (5,0 кг/т), Круизер Экстра 36,2% сус.к. (3,0 л/т) билан дорилаб экиш ҳамда ўсув даврида эса Плигрим 24,7% сус.к. (0,3 л/га), Децис 2,5% эм.к. препаратини қўллаш тавсия этилади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.05/30.12.2019.Qx.13.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ
АГРАРНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ АГРАРНЫЙ УНИВЕРСИТЕТ

НОРКУЛОВ АЛИДДИН НОМОЗ УГЛИ

**МЕТОДЫ УПРАВЛЕНИЯ ЧИСЛЕННОСТЬЮ ВРЕДИТЕЛЕЙ В
БИОЦЕНОЗЕ ГОРОХА В БОГАРНЫХ УСЛОВИЯХ ДЖИЗАКСКОЙ
ОБЛАСТИ**

06.01.09 – Защита растений

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННЫМ НАУКАМ**

ТАШКЕНТ – 2020

Тема диссертации доктора философии (PhD) по сельскохозяйственным наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером B2020.2.PhD/Qx584.

Диссертация выполнена в Ташкентском государственном аграрном университете.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекском, русском, английском (резюме)) размещён на веб-странице Научного совета (www.tdau.uz) и информационно-образовательном портале "ZiyoNet" (www.ziynet.uz).

Научный руководитель:

Кимсанбоев Хожимурод Хамракулович,
доктор биологических наук, профессор

Официальные оппоненты:

Торениязов Елмурат Шериниязович,
доктор сельскохозяйственных наук, профессор;

Мамятов Камол Шавқиевич,
кандидат биологических наук, старший научный сотрудник

Ведущая организация:

Андижанский институт сельского хозяйства и агротехнологии

Защита диссертации состоится «07» января 2021 года в 10⁰⁰ часов на заседании Научного совета DSc.05/30.12.2019.Qx13.01 при Ташкентском государственном аграрном университете (Адрес: 100140, г. Ташкент, ул. Университетская, дом 2. Тел.: (+99871) 260-48-00; факс: (+99871) 260-38-60; e-mail: tuag-info@edu.uz; Административное здание Ташкентского государственного аграрного университета, 1-этаж, зал заседаний).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского государственного аграрного университета (зарегистрирована под номером 542125). (Адрес: 100140, г. Ташкент, ул. Университетская, дом 2. Ташкентский государственный аграрный университет, здание Информационно-ресурсного центра. Тел.: (+99871) 260-50-43).

Автореферат диссертации разослан «24» декабря 2020 года.
(реестр протокола рассылки номер 09-1 от «26» ноября 2020 года).



Б.А.Сулаймонов
Председатель научного совета по
присуждению учёных степеней, д.б.н.,
академик

Я.Х.Юлдашов
Учёный секретарь научного совета по
присуждению учёных степеней, к.с.х.н.,
профессор

Э.Т.Бердиев
Председатель научного семинара при
научном совете по присуждению учёных
степеней, д.с.х.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация к диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мире бобовые культуры, в качестве пищевой и промышленной продукции, выращиваются в более чем 100 странах, и в определённой степени обеспечивают потребности населения мира в продовольствии. На сегодняшний день, под влиянием вредных организмов, теряется до 50-60% урожая. С целью предотвращения данных потерь в мировом земледелии применяются различные методы и средства, что приводит к увеличению расходов на выращивание гороха¹.

В странах мира, где возделываются зернобобовые культуры, с целью управления численностью вредителей проводится ряд научных исследований и положительные результаты внедряются в производство, в частности, в Индии, Китае, Корее, России, Иране, Израиле и ряде других стран при возделывании зернобобовых культур, из-за болезней и вредителей наблюдается потеря урожая до 18-22%. Однако, по результатам проведённых исследований в ряде научно-исследовательских учреждениях были разработаны новые методы и средства, которые позволили сохранить до 85-90% урожая. По мнению исследователей мира, в качестве наиболее опасных вредителей гороха отмечены виды, относящиеся к представителям семейств *Aphididae*, *Lateridae*, *Noctuidae*, *Tortricidae*, *Chrysomelidae*, *Gryllotalpidae*, *Meloidogynidae*. По этой причине важное значение имеет проведение исследований в этом направлении и разработка системы интегрированной борьбы против вредителей гороха.

В республике важное значение имеет сохранение урожая культуры на основе совершенствования системы защиты растений от вредителей при выращивании гороха. В последнее время, на посевных площадях бобовых культур существенный вред наносит ряд вредителей, в результате чего теряется в среднем 35-40% урожая. В нашей республике в 2019 году горох высевался на 29165 гектарах богарных земель, в 2020 году – на 32650 гектарах. В последнее время, в период выращивания гороха, под действием болезней и вредителей, наблюдается потеря валового урожая в среднем до 15-20%. На сегодняшнее время важное значение имеет обеспечение продовольственной безопасности нашей страны, выращивание продукции, имеющей своё место на мировом рынке и повышение экспортного потенциала. В Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан на 2017-2021 годы отмечены приоритетные задачи по «разработке и внедрению мер защиты растений от болезней и вредителей». В этой связи, актуальным является разработка и повсеместное внедрение в производственную практику системы интегрированной защиты от вредителей при выращивании гороха.

Данное диссертационное исследование в определённой степени служит выполнению задач, предусмотренных в Постановлении Президента

¹ <http://www.fao.org>

